XALQ DEPUTATLARI BUXORO VILOYATI KENGASHINING QARORI

2021 - yil 30 - dekabr VI-47-29-2-0-K/21 Buxoro viloyati hokimligi

Бухоро вилоятининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 01/20-01-32/835-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-742-сон Қонунига мувофиқ, Бухоро вилояти маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари 2904,0 млрд.сўм, харажатлари 3346,0 млрд.сўм прогноз қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 442,0 млрд.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2022 йил учун Бухоро вилоятини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2023-2024 йилларга мақсадли мўлжаллари 1-иловага, 2022 йил учун вилоят маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2022 йил учун туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимоти ўрнатилган тартибда Бухоро вилояти бўйича ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2022 йил учун туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг прогнози 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2022 йил учун вилоят бюджетидан туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъи назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2022 йил учун вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 13,6 млрд. сўм миқдорида белгилансин.

Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг 2022 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

Вилоят, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун тегишли бюджетларининг захира жамғармалар миқдорларига аниқлаштириш киритилмаслиги инобатга олинсин.

9. 2022 йил учун вилоят бюджетининг айланма касса маблағларининг энг кам миқдори 24,8 млрд. сўмни ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

10. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2022 йилда халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2022 йилда қуйидаги солиқ турлари

а) туманлар ва шаҳарлар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; айланмадан олинадиган солиқ; қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари); сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

б) вилоят бюджетининг қуйидаги даромадлари вилоят маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан олинган даромадлар;

хусусийлаштиришдан тушган тушумлар ва бошқа солиқлар.

в) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи вилоят бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида тақсимланади.

11. Вилоят ҳокимининг молия–иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи Н.Холмуродов, вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси (Б.Адилов), Давлат солиқ бошқармаси (М.Маматханов) туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ва масъул бошқарма ҳамда ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджет прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратсин.

12. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (М.Маматханов)га туманлар ва шаҳарлар Давлат солиқ инспекциялари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларнинг тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ

ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот этишга алоҳида эътибор қаратиш;

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасидаги улушини ошириш;

Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Я.Ҳабибов) билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, вилоятда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш топширилсин.

13. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (М.Маматханов)га, Кон-геология фаолиятини назорат қилиш минтақавий инспекцияси ҳамда туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карьерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатиш топширилсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган каръерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

14. Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси (А.Қиличев) вилоят давлат солиқ бошқармаси (М.Маматханов) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриб борилишини таъминласин.

15. Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси (Б.Бердиев) бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси (А.Асатов) билан биргаликда:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ўтказиш;

хатлов натижаларига кўра вилоятда мавжуд бўш турган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва видео-материаллар эълон қилиш;

хусусийлаштирилиши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини «e-ijro auction» майдончаси орқали сотиш ишларини ташкиллаштирсин.

16. Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Э.Файзиллаев) ва вилоят давлат солиқ бошқармаси (М.Маматханов) туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда вилоятда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китобларни юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисоблаш ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олиш чораларини кўрсин.

Бунда, қишоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресурслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

17. Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси (А.Қиличев), вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (А.Ахмедов), Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси (Қ.Холов) ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда бюджетга ундириш чораларини кўриб борсин.

18. Давлат молиявий назорати вилоят бошқармаси (У.Умаров) халқ таълими, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ички аудит хизматлари билан биргаликда:

бюджет интизомига қатъий риоя этилиши устидан доимий мониторинг ишларини кучайтириш;

ўтказилган назорат тадбирлари якуни бўйича камомад ва ноқонуний ўзлаштиришга йўл қўйган соҳа раҳбарларининг ҳисоботи ҳар чоракда эшитиб борилишни таъминласин.

19. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясига:

вилоят ҳокимлигининг маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатиш, натижалари бўйича тавсиялар бериш ва мониторинг қилиш топширилсин.

20. Вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига:

жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун туманлар ва шаҳарлар бюджетлари жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтириш;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб бориш топширилсин.

21. Вилоят ҳокимининг молия–иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи Н.Холмуродов туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳамда тегишли бошқармалар билан биргаликда:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича халқ депутатлари вилоят Кенгашига чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

22. Мазкур қарор “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

23. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси **Б.Зарипов**

Халқ депутатлари Бухоро вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-47-29-2-0-K/21-сон қарорига
1-илова

Бухоро вилоятининг 2022 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2023-2024 йилга мўлжаллари

№	Кўрсаткичлар	2022 йил учун прогноз	Мўлжал	
			2023 йил	2024 йил
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	42 315,0	48 818,0	56 233,0
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	106,7	107,0	107,6
3.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	111,8	111,6	111,4
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	106,6	107,0	109,0
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	103,1	103,5	103,7
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	106,5	110,7	111,4

Халқ депутатлари Бухоро вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-47-29-2-0-K/21-сон қарорига
2-илова

Бухоро вилоят маҳаллий бюджети даромадларининг
2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	310 627 000
2	Айланмадан олинадиган солиқ	0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	815 213 200
4	Қўшилган қиймат солиғи	0
5	Акциз солиғи, жами	299 446 000
	шу жумладан:	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*299 446 000*
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	34 794 000
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	0
8	Юридик шахслар ер солиғи	252 060 000
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	0
10	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	0
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0
12	Давлат божи	67 672 000
13	Жарималар	55 275 000
14	Ижара тўлови	0
15	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	16 122 000
16	Йиғимлар	0
17	Хусусийлаштириш	25 000 000
18	Бошқалар	7 234 000
	ЖАМИ	**1 883 443 200**
19	Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар	442 306 999
	ҲАММАСИ	**2 325 750 199**

Халқ депутатлари Бухоро вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-47-29-2-0-K/21-сон қарорига
3-илова

2022 йил учун Бухоро вилояти бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
Харажатлар миқдори, Жами		**2 325 750 199,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 086 599 658,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	305 641 970,0
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	933 508 571,0
1.	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**45 730 091,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 330 091,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	42 400 000,0
2.	**Халқ таълими бошқармаси**	**292 019 473,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	170 294 473,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	121 725 000,0
3.	**Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси**	**639 190,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	639 190,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**450 863 746,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	395 863 746,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	55 000 000,0
5.	**Маданият бошқармаси**	**28 080 472,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	28 080 472,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6.	**Туризм ва спорт бошқармаси**	**38 544 101,0**
	шу жумладан:	

	жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	38 544 101,0
7.	**Йўл ҳаракати эксплуатация ва монтаж бўлимлари** *шу жумладан:* жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**3 173 928,0** 3 173 928,0
8.	**Тиббий-ижтимоий хизматлар бошқармаси** *шу жумладан:* жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**61 675 034,0** 61 675 034,0
9.	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси** *шу жумладан:* жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**42 728 577,0** 42 728 577,0
10.	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси** *шу жумладан:* жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**2 258 198,0** 2 258 198,0
11.	**Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси** *шу жумладан:* жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**10 242 997,0** 10 242 997,0
12.	**"Узагрокимёҳимоя" ҳудудий акциядорлик жамияти** *шу жумладан:* жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0** 0,0
13.	**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси** *шу жумладан:* жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**184 149 667,0** 157 247 167,0 26 902 500,0
14.	**Транспорт бошқармаси** *шу жумладан:* жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**5 031 246,0** 5 031 246,0
15.	**Автомобил йуллар ҳудудий бошқармаси** *шу жумладан:* жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**

16.	**Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси**	**7 300 792,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 300 792,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17.	**Молия бош бошқармаси**	**951 235 240,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 365 359,0
	Чет эл кредитларини қайтариш харажатлари	9 786 310,0
	Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари	1 575 000,0
	Адвокатлик хизматига ҳақ тўлаш учун ажратилган маблағлар	1 000 000,0
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	933 508 571,0
18.	**Ғазначилик бошқармаси**	**6 467 244,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 467 244,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
19.	**Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармаси**	**10 943 014,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 943 014,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
20.	**Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш бошқармаси**	**207 980,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	207 980,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
21.	**Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси**	**1 543 661,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 543 661,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
22.	**Туризмни ривожлантириш департаменти**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
23.	**Ўрмон хўжалик бошқармаси**	**21 544 917,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	21 544 917,0
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	
24.	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси**	**4 903 548,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 903 548,0

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
25.	**Монополияга қарши курашиш бошқармаси** *шу жумладан:* жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**1 550 173,0** 1 550 173,0
26.	**Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳудудий бошқармаси** *шу жумладан:* жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0** 0,0
27.	**Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармаси** *шу жумладан:* жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**1 973 931,0** 1 973 931,0
28.	**Бандлик ва меҳнат муносабатлари бош бошқармаси** *шу жумладан:* жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**1 405 848,0** 1 405 848,0
29.	**Қурилиш бошқармаси** *шу жумладан:* жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**2 231 469,0** 2 231 469,0
30.	**Инвеститциялар ва ташқи савдо бошқармаси** *шу жумладан:* жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**8 696 736,0** 8 696 736,0
31.	**Адлия бошқармаси** *шу жумладан:* жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**5 272 474,0** 5 272 474,0
32.	**Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағаликни қисқартириш бошқармаси** *шу жумладан:* жорий харажатлар объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**13 730 405,0** 13 730 405,0
33.	**Вилоят ҳокимлиги** *шу жумладан:* жорий харажатлар	**32 829 984,0** 32 829 984,0

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
34.	**Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспециясининг ҳудудий бошкармаси**	**6 402 468,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 402 468,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
35.	**Сайлов комиссиялари**	**62 841,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	62 841,0
36.	**Архив иши бошқармаси**	**4 420 778,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 420 778,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
37.	**Махалла ва оилаларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси**	**1 559 694,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 559 694,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
38.	**Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	0,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
39.	**Ёшлар ишлари агентлиги Бухоро вилоят бошкармаси**	**4 693 824,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 693 824,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
40.	**Бошқа харажатлар**	**71 636 458,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	12 021 988,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	59 614 470,0

Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-47-29-2-0-K/21-сон қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига 2022 йилдаги ажратмалари меъёрлари

фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Айланмадан олинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи*	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи
1	Бухоро шаҳри	0	100	8	100	0	0	100	0	100
2	Когон шаҳри	0	100	20	100	0	0	100	0	100
3	Олот тумани	0	100	20	100	0	0	100	0	100
4	Бухоро тумани	0	100	20	100	0	0	100	0	100
5	Вобкент тумани	0	100	20	100	0	0	100	0	100
6	Ғиждувон тумани	0	100	20	100	0	0	100	0	100
7	Когон тумани	0	100	20	100	0	0	100	0	100
8	Қоракўл тумани	0	100	20	100	0	0	100	0	100
9	Қоровулбозор тумани	0	100	20	100	0	0	100	0	100
10	Пешку тумани	0	100	20	100	0	0	100	0	100
11	Ромитан тумани	0	100	20	100	0	0	100	0	100
12	Жондор тумани	0	100	20	100	0	0	100	0	100
13	Шофиркон тумани	0	100	20	100	0	0	100	0	100

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Ер қаъридан фойдаланган-лик учун солиқ (норуда материаллари)	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Давлат божи	Жарималар	Йиғимлар	Давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан ажратма**	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	Хусусийлаш-тириш	Бошқалар***
1	Бухоро шаҳри	100	100	0	0	100	0	100	0	0
2	Когон шаҳри	100	100	0	0	100	0	100	0	0
3	Олот тумани	100	100	0	0	100	0	100	0	0
4	Бухоро тумани	100	100	0	0	100	0	100	0	0
5	Вобкент тумани	100	100	0	0	100	0	100	0	0

6	Ғиждувон тумани	100	100	0	0	100	0	100	0	0
7	Когон тумани	100	100	0	0	100	0	100	0	0
8	Қоракўл тумани	100	100	0	0	100	0	100	0	0
9	Қоровулбозор тумани	100	100	0	0	100	0	100	0	0
10	Пешку тумани	100	100	0	0	100	0	100	0	0
11	Ромитан тумани	100	100	0	0	100	0	100	0	0
12	Жондор тумани	100	100	0	0	100	0	100	0	0
13	Шофиркон тумани	100	100	0	0	100	0	100	0	0

Изоҳ: Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича 3111104, 3111106, 3111300, 3111600, 3111800 даромад кодларига тушадиган маблағлар тўлиқ туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига йўналтирилади.*

*** Давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан давлат бюджетига ажратмалар бўйича 3412110, 3412112 даромад кодларига тушадиган маблағлар тўлиқ вилоят бюджети даромадларига йўналтирилади.*

**** Ҳукумат қарорлари билан белгиланган нормативларга асосан тақсимланади.*

Халқ депутатлари Бухоро вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-47-29-2-0-K/21-сон қарорига
5-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Бюджетлар номи	Даромад *	Харажат
ЖАМИ	**1 020 549 800,0**	**1 954 058 371,0**
Бухоро шаҳри	212 997 603,0	216 727 111,0
Когон шаҳри	43 496 414,0	71 799 613,0
Олот тумани	46 243 953,0	126 218 774,0
Бухоро тумани	74 316 955,0	147 529 589,0
Вобкент тумани	62 137 162,0	136 869 616,0
Ғиждувон тумани	138 184 624,0	254 485 058,0
Когон тумани	50 869 169,0	84 894 858,0
Қоракўл тумани	75 945 924,0	177 054 077,0
Қоровулбозор тумани	29 787 353,0	57 289 839,0
Пешку тумани	58 423 023,0	150 794 844,0
Ромитан тумани	75 515 010,0	166 848 974,0
Жондор тумани	75 317 568,0	177 553 099,0
Шофиркон тумани	77 315 042,0	185 992 919,0

** мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар бўйича ўтказиб бериладиган даромадлар билан биргаликда.*

Халқ депутатлари Бухоро вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-47-29-2-0-K/21-сон қарорига
6-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2022 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**
ЖАМИ	**933 508 571,0**
шундан	
Бухоро шаҳри	3 729 508,0
Когон шаҳри	28 303 199,0
Олот тумани	79 974 821,0
Бухоро тумани	73 212 634,0
Вобкент тумани	74 732 454,0
Ғиждувон тумани	116 300 434,0
Когон тумани	34 025 689,0
Қоракўл тумани	101 108 153,0
Қоровулбозор тумани	27 502 486,0
Пешку тумани	92 371 821,0
Ромитан тумани	91 333 964,0
Жондор тумани	102 235 531,0
Шофиркон тумани	108 677 877,0

Халқ депутатлари Бухоро вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-47-29-2-0-K/21-сон қарорига
7-илова

Вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларида 2022 йилда йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/рҲудуд номи	Миқдор
ЖАМИ	**24 828 000,0**
шундан	
1 Вилоят бюджети	9 384 000,0
2 Бухоро шаҳри	2 035 000,0
3 Когон шаҳри	707 000,0
4 Олот тумани	929 000,0
5 Бухоро тумани	1 052 000,0
6 Вобкент тумани	1 039 000,0
7 Ғиждувон тумани	2 035 000,0
8 Когон тумани	714 000,0
9 Қоракўл тумани	1 337 000,0
10 Қоровулбозор тумани	598 000,0
11 Пешку тумани	1 028 000,0
12 Ромитан тумани	1 298 000,0
13 Жондор тумани	1 292 000,0
14 Шофиркон тумани	1 380 000,0